ЖАМИЯТ

№ 41
(910)
2024 йил
8 октябрь,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ УНУТИЛМАЙДИ

Давлатимиз раҳбари 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан юртимиздаги таълим ва тарбия соҳаси вакилларини ушбу улуғ айём билан самимий табриклаб, улар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Мулоқот давомида илф-фан, таълим-тарбия ва маърифат тараққиётига улкан ҳисса қўшган қатағон қурбонлари, жумладан, жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг ибратли ҳаёти тўғрисида тўхталди. Албатта, мустабид тузумнинг адолатсизликлари қурбони бўлган, Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо қилган сиёсий қатағон қурбонларининг бой илмий мероси, маънавий-маърифий ғоялари бугунги кунда мамлакатимизда замонавий илм-фан ривожи ва ёш авлод тарбияси учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Сир эмаски, собиқ иттифоқ давлатлари ташкил топиши ва маъмурий буйруқбозлик, бюрократик тузимнинг шаклланишида Сталин ва унинг ҳукумати хизмати катта бўлган. XX асрнинг 30-50 йилларида мамлакатда бошланган қатағонлик сиёсатининг бош мақсади зўраки ўрнатилган тузумга қарши бўлганлардан ўч олиш эди.

Миллий маданиятни қайта тиклаш, халқ турмуш фаровонлигини яхшилашга уринган раҳбарлар ва илм-маърифат вакиллари биринчилардан бўлиб йўқ қилинган эди. 1937-1953 йилларда мустабид тузум томонидан 100 мингдан зиёд халқимиз вакиллари қатағон сиёсатининг қурбони бўлган. Жумладан, мамлакатимизнинг таниқли жамоат арбоблари Назир Тўрақулов, Турор Рисқулов, Иноғомжон Хидиралиев, Абдулла Раҳимбоев, Султонбек Хўжанов кабилар миллатчиликда айбландилар. Жадидчи бобомиз Мунаввар Қори Абдурашидхонов бошчилигидаги “миллий истиқлол” ташкилотининг 85 аъзоси 1929 йилда қамоққа олинди. Қамалган аъзолардан 15 таси отиб ташланди, қолганлари эса оғир меҳнат лагерларига сургун қилинди. 30-йилларда мамлакатнинг кўпгина фидойи ва ҳалол ўқитувчилари ҳам “халқ душмани” сифатида айбланиб ушбу адолатсиз сиёсатнинг қурбони бўлишди. Уларнинг фарзандлари эса мактаблардан бадарға қилинди.

Айнан, Ватанимизнинг миллий истиқлоли, халқимиз озодлиги ва фаровонлиги йўлида ўз жонларини аямай, мардонавор курашган ва ўша даврнинг ноҳақ сиёсий қатағон қурбонлари бўлган аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, номларини оқлаш ҳамда абадийлаштириш бўйича 2024 йил 19 июлда “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида” мамлакатимиз раҳбарининг қарори қабул қилинди. Бундан мақсад, Ватанимиз миллий озодлиги йўлида кўрсатган улкан шижоати, адолатсизликлар қурбони бўлган фидойи буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг таълим-тарбия ривожи йўлида кўрсатган жасорати ва ибратли фаолиятини тарғиб этиш, қатағон қилинган боболаримиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклашдан иборат. Биргина шу мақсадда 2021–2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қатағон қурбонларининг номлари оқланди.

(Давоми 2-саҳифада)



Чаласаводлик эпидемияси

Адабиёт адолат, мардлик, жасорат демакдир. Ватанга, халққа комил инсон, фикри ойдин, етук шахсларни тарбиялаб беришдир. Адабиёт фанини ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятин ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Назаримда, мустақил фикрлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Миллий ўзликни англаш, адолат, ҳақиқатга бўлган ишонч, улуғ, олижаноб ғояларни тарғиб этишни ўз ичига олади. Маърифатпарвар зиёлилар Абдулла Авлоний, Ҳамза, Мунаввар Қориларнинг мактаб учун яратган дарсликларида инсон тарбиясига оид ҳикоялар, панд-насиҳатлар ифода этилган.

Очиғини айтишим керак, ўқитувчиларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини йўқотиб бўлдик. Кейинги ўттиз йил мобайнида «мажбурий меҳнат» ва таълим тизимидаги “ислоҳотлар” боис ўқитувчини раҳбарлар ва дуч келган зўравонлар учун хизмат қиладиган садоқатли қулларга айлантирдик, тағин ҳар хил жанжалли видеоларни тарқатиб, зиёлиларни шарманда қилдик, баъзи блогерлар ўқитувчиларга «найза»сини санчди.

Албатта, мажбурий меҳнатнинг йўқ қилиниши ижобий ўзгаришлардан бири бўлди. Аммо, таълим тизими «тажриба қуёнчаси» бўлиб қолаётир. Бугунги кунда баъзи чоп этилган дарсликлар аҳволига майин йиғлайди. Ўқитувчиларнинг аттестация қилиниши унчалик ижобий самара бергани йўқ. Балки, ижтимоий табақаланишга олиб келди. Олий тоифа ва миллий сертификат билан минг долларгача маош оладиганлар бор. Бироқ улар озчиликни ташкил этади. Айниқса, 25-30 йил ишлаган устозлар на тоифа, на сертификат ололмагани учун қандайдир тестни ечиб тоифа олган ёшлар томонидан бамисоли футбол ўйинидаги ҳакам каби «қизил» карточка билан ўйиндан чиқариб юборилаётгани кўп жойларда учрайдиган ҳолатдир. Тоифа олганларнинг ҳаммаси ҳам билими билан ютуққа эришади, десак хато қиламиз.

(Давоми 6-саҳифада)

“КИШАН”

“Осмонга қўрқиб қараймиз. Бало осмондан келади, деб ўйлаймиз... Аслида, бахт ҳам, бахтсизлик ҳам ерда...”

Ёзувчи Олим Тошбоевнинг яқинда “OLTIN QALAM NASHRIOTI”да чоп этилган “Кишан” номли китоби муқовасида ана шундай тагсўз битилган.



Нега айнан муқовада? Бу муаллифнингми, ноширнингми, кимнинг ғояси бўлсаям жойида қўлланган. Биргина шу сўзнинг бежиз келтирилмаганлиги беихтиёр китобхоннинг асарга бўлган қизиқишини оширади.

Романдаги макон – Қўшбулоқнинг тонг отиш манзараси шундай тасвирланади:

“Қўшбулоқни муаззиндан аввал муллатўрғай уйғотади. Беозор қуш буталар орасидан туриб ғафлатда қолманг деётгандай бўлади. Кейин заранг ё бодомчага қўнган каклик “какира-какир” қилиб қўшилади. Булоқдан сув ичган чил эса бетга тирмашиб туриб “чир-чир”лайди. Сап-сариқ бўлиб гуллаган қоратиканлар орасидан булбуллар нағмаси эшитилади...”

Ўзингизни Қўшбулоқда юргандек ҳис этасиз, асар ичига кириб бораверасиз. Ўша макон сиз аввалдан билиб юргандек, таассурот уйғотади.

Асар воқеалари шу маконда бўлиб ўтади.

(Давоми 8-саҳифада)

ЎРГАНИШЛАР ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА

Бугун дунёда юз бераётган турли воқеа-ҳодисалар, таҳдидлар биргина ўша давлат ёки минтақа ҳаётига дахлдор, десак янглишамиз. Чегара билмас бу хавф-хатарлар бутун инсониятнинг, тараққиётнинг душманидир. Атрофимизда бўлаётган геосиёсий жараёнлар, экстремизм, терроризм, наркобизнес, миллатлараро низолар, қуролли тўқнашувлар, ҳарбий операциялар бутун инсониятга катта офатлар келтиришини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Юртимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш, энг чекка ҳудудимиздаги кичик қишлоқ, овул, маҳалла ёйинки кўчага қадар жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, уларнинг салоҳиятини янада юксалтириш барчамизнинг, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Азалдан юртимизда тинчлик ва тотувлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳи юксак қадрланган. Чунки инсонлар онгини эзгу фикр эгалласа, ҳар қандай келишмовчилик, бузғунчилик ва ёвузлик, жиноят каби иллатлар рад этилади. Эзгу фикрнинг ифодаси бўлган сўз яхшилик ва хушмуомалаликнинг кенг ёйилишига, бу ўз навбатида, эзгу амалларнинг чуқур илдиз отишига, ҳар бир инсоннинг ўз вазифасини сидқидилдан адо этишига ва шу йўл билан мамлакат ривожи ҳамда бунёдкорликка йўл очади.

Президентимизнинг жорий йил 29 август куни Жамоат хавфсизлиги университетига ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан тасдиқланган “Жамоат хавфсизлиги университети томонидан Тошкент вилоятининг жамоат хавфсизлигига эҳтимолий хавф-хатарларни илмий ёндашув асосида ўрганиш, илмий диагноз қўйиш ва бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирлар дастури” доирасида Чирчиқ шаҳрига бириктирилган кафедраларарo ишчи гуруҳ томонидан криминоген вазият, 2023-2024-йиллардаги жиноятчилик ҳолати таҳлил килинди.

“Жиноят ўчоқлари” бўлган ҳудуд ва объектлар, профилактика бўлимида ҳисобга олинган шахслар, вояга етмаганлар, аёллар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар атрофлича ўрганилди.

Шунингдек, шаҳардаги аҳоли гавжум бўладиган жамоат жойлари, маҳаллалар, шу жумладан хиёбон ва истироҳат боғларида ҳамда бозор ва савдо комплекслари ҳолати, хавфсизликни таъминлаш тизими билан танишилди. Оммавий тадбирлар давомида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар илмий тадқиқ этилди. Ундан ташқари, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси тизимини янада такомиллаштиришга, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки қўриқлови қамровини янада оширишга қаратилган чоралар белгиланди.

Жамоат хавфсизлиги университети раҳбарияти ва профессор ўқитувчиларининг Чирчиқ шаҳрининг ўрганиш, аниқланган муаоммоларини баратараф этиш бўйича ахборот-таҳлилий ҳужжат, таклиф ва тавсияларни тақдим этишдан бирдан бир мақсади ҳам айнан юртимиз равнақи ва ҳалқимиз фаровонлиги ҳамда тинчлиги йўлида амалга оширилаётган машаққатли меҳнат маҳсулидир.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли ва манзилли дастурларни амалга ошириш долзарб вазифа этиб белгиланди.

Шунингдек, аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг жорий ҳамда истиқболдаги ривожланишини самарали ташкил этиш борасида ҳар йили “йўл харитаси” имзоланиб, ижрога қаратилиб келинмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Университет томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларига чиқиб ўрганишлар, илмий-амалий тадқиқот ишлари ўтказилиб натижалари бўйича ахборот-таҳлилий ҳужжатлар, миллий стратегия, йўл харита, қонун лойиҳалари, методика, инфографика ва бошқа ҳужжатлар тайёрланиб, юқори инстацияга тақдим этиб келинмоқда.

Жорий йил 11 сентябрь куни Президентимиз раислигида, “Маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, камбағал оилалар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселекторда ҳам 9 та иқтисодий тадқиқат марказлари ва олийгоҳлари илмий ёндашувлар асосида камбағалликни қисқартириш масалалари билан шуғулланиши белгиланган. Бу йўналишда ҳам Жамоат хавфсизлиги университети профессор-ўқитувчилари томонидан чуқур таҳлил асосида методик қўлланмалар яратилмоқда.

Шуҳрат ҲОТАМОВ,
Жамоат хавфсизлиги университети доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори



ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ УНУТИЛМАЙДИ

(Боши 1-саҳифада)

2001 йилдан буён ҳар йили 31 август – “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни” сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Ёдгорлик мажмуи бағрида қад ростлаган маънавият ва маърифат масканлардан бири “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фаолият юритмоқда. Айнан ўтмишда қаровсиз ва кимсасиз бўлган шу жойда зулмкор ва шафқатсиз шўро тузуми томонидан Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий каби эл-юртнинг асл фарзандлари қатл қилинган, таъбир жоиз бўлса, бежаноза, бекафан кўмиб юборилган.


Уларнинг юрт миллий озодлиги ва халқ фаровонлиги йўлида кўрсатган жасорати юртдошларимизнинг Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини кучайтиришга, уларни бугунги тинч, эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етишга ундаши зарур.

Мамлакатимизда жадид боболаримизнинг илм-маърифат йўлида қилган улкан ишларини тарғиб қилиш, улар хотирасини абадийлаштиришда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Исҳоқхон Ибрат каби юртнинг улуғ маърифатпарвар аждодлари хотирасига бағишланган муҳташам ҳайкаллар, музейлар бунёд этилди, ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди, уларнинг илмий-маърифий мероси янада чуқур ўрганилмоқда.

Халқимиз ва ватанимиз тақдирига дахлдор тарихий адолатни тиклаш, миллатимиз ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларни очиш, ўтмиш адолатсизликларидан сабоқ чиқарган ҳолда бугунги ва келажак ҳаётга онгли қарашни шакллантириш, гуноҳсиз қурбонларни хотирасини абадийлаштириш ҳар бир шахснинг фуқаролик бурчи десак хато бўлмайди.

Албатта мустақиллик халқимизга берилган энг улуғ неъмат. Мана шундай тинч, дориломон кунларга етиб келишимизда ўша даврнинг адолатсизликлари қурбони бўлган ота-боболаримизнинг ҳиссалари каттадир. Буюк аждодларимиз хусусан, сиёсий қатағон қурбонлари, жумладан, жадидчи боболаримизнинг юрт тинчлиги ва озодлиги йўлидаги мардоновар ҳаракати бугунги кунда юртдошларимиз, айниқса ёш авлод учун ибрат мактаби бўлиши керак.

Б.ҚОДИРОВ,
РМММ ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи
Ж.ХИДИРОВ,
илмий ходим



“Келажагимиз бунёдкорлари мактабда тарбияланади”

Президент Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь куни Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтига ташриф буюриб, янгиланган шароитлар билан танишди, Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан давлат мукофотларини топширди ҳамда соҳа вакиллари билан таълимда амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги устувор вазифалар юзасидан мулоқот ўтказди.

Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти мамлакатимиз тараққиётининг муҳим мезони ёшлар сиёсатининг пойдевори – бошланғич ва умумий таълим билан чамбарчас боғлиқдир.

Тадбирда давлатимиз раҳбари қайта-қайта эътироф этганларидек, энг асосий масала – таълим сифати. Чунки, олдин қайд этганларидек, «Таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона ва энг тўғри йўлидир.»

Ана шу мақсад ва ҳаракатнинг узвий давоми сифатида иккита асосни келтириш жоиз. Бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 июнда қабул қилинган мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришга доир қарори бўлса, иккинчиси шу соҳадаги институтни Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтига айлантирилганидир.

Бу борада институтнинг тубдан янгилангани, тингловчилар ўрни ҳам, йўналишлар ҳам кўпайгани, муассасада малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг анъанавий, муқобил ҳамда дуал шакллари, шу жумладан, сунъий интеллект технологиялари асосида ўқитиш жорий этилгани, узлуксиз касбий таълим, менежерлик ўқув курслари, педагогларни аттестациядан ўтказиш ва малака тоифасини бериш, мактабгача ва мактаб таълимини бошқариш каби дастурий платформалар жорий этилгани эътиборга моликдир.

Президентимиз янги қулайлик ва имкониятлар билан танишаркан, жумладан шундай деди: «Бу институт кутиб ўтирувчи эмас, тарғиботчи, етакчи бўлиши керак. Ҳудудлардаги ўқитувчи ва директорларни кўпроқ таклиф этиб, барча мактабларда сифатни ошириш зарур. Янги замон кишиси, келажагимиз бунёдкорлари мактабда тарбияланади. Таълимсиз келажак йўқ.»

Демак, ҳамма гап маҳоратда, моҳирликда, сифатни ошириш, самарага эришиш. Хўш, бунинг асоси нимада?

Педагогик маҳоратнинг, педагогик таълимнинг иккита таянчи бор. Бири етук билим бўлса, иккинчиси шу билимни етказиш.

Ўз фанимиз бўйича кенг қамровли, етук билимга эга бўлсак, ахборот компьютер технологияларини обдон ўзлаштирган бўлсак, ҳатто бир неча хорижий тилни билсак ҳам ҳали бу сифатли таълим дегани эмас. Олинган билим, ўзлаштирилган кўникма, ҳосил қилинган кўникмани ўқувчи, талабанинг онгига сингдириш механизми – педагогнинг коммуникатив-лингвистик компетенцияси, нутқий маҳорати зарур.

Ўқитувчи аудиторияга кетмон, ўроқ ёки болға билан кирмайди, у билими ва нутқи билан киради. Шундай экан, нотиқлик санъати, лингвистик компетенция педагогик маҳоратнинг, аниқроғи, сифатли таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Тасаввур қилинг. Ош тайёрлаш мақсадида бир кишини ёллаб бозорга бориб асл деҳқон етиштирган масаллиқлардан олиб келишни буюргансиз. У бу юмушни бажарса-ю, тайёрланган ош хом хатала бўлса, ким айбдор? Албатта, ошпаз. Чунки ошпазда ош тайёрлаш компетентлиги етарли эмас. Шунга монанд ҳолда айтиш мумкинки, ўқитувчининг компетентлик даражаси етарли бўлмаса, сифатли таълим ҳақида гап бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, таом масаллиқлари у ўқув қўлланмаси ва дарсликлар. Қўлида ҳайдовчилик гувоҳномаси бор бўлган ҳамма ҳам тажрибали ҳайдовчи бўлавермагани каби ўқитувчиларнинг барчасида ҳам компетентлик юқори эмас.

Таълим сифатини ошириш мақсадида талаба ёшларга дарс ўтаётган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини аниқлаш юзасидан ижтимоий-таълимий сўровнома ўтказилганида 71,3 фоизида нутқий компетенция, нотиқлик маҳорати ва фаол мулоқот қилиш маҳорати етишмас экан.

Аксарият талаба ёшларнинг жавоби бир хил: Устознинг билими бор, китоби бор лекин жалб этиш, қизиқтириш маҳорати етишмайди, адабий тилда равон гапира олмайди. Ушбу талаблар бўйича ўқитувчининг нотиқлик маҳорати ва коммуникатив компетентлик даражасини белгилаш топширилганди.

1. Ўз фани ва маърузасига аудиторияни қизиқтира олиши;

2. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъатига амал қилиш сирлари;

4. Аудитория диққатини жалб эта олиши, етказиш лаёқати ва технологиялари;

5. Ўз фанини севиши ва билиш даражаси;

6. Адабий тил меъёрларига риоя этиши;

7. Талаффуз қоидалари ва нутқининг теран ҳамда равонлиги;

8. Ўзини эркин тутиши, овоз тембри, баланд-пастлиги ва эмоционаллик;

9. Мулоқот этикети ва юксак муомала маданиятига амал қилиши;

10. Кийиниш маданияти;

11. Бош маърузадами, ё маъруза бошдами?

Ўқувчини қизиқтира олмаган ўқитувчининг ҳам қизиғи йўқ. Чунки ўқитувчи талаба ёшларни қизиқтира олмас экан, демак эргаштира олмайди, мотивация ҳам бера олмайди.

Чучвара ейишдан мақсад гўшт ейиш, аслида. Биз уни хамирга ўраб бежирим қилиб тортиқ қиламиз. Шундай экан, педагог ҳам фан мавзусини ҳаёт билан боғлаган ҳолда, қизиқарли тарзда, таъсирчан етказиш йўлларини обдон ўйлаши ва нутқи равон бўлиши керак. Акс ҳолда, сизни қабул қиладиган талаба ёшлар сафи камайса камаядики, кўпаймайди.

Эмишки, бир домла зерикарли, ҳиссиз маъруза қилиб бўлгач, кимда қандай савол бер дейиши ҳамоноқ, шошқалоқ талабалардан бири ўрнидан туриб савол йўқ, тилагим, бор, дебди.

– Сизга катта раҳмат устоз?

– Болам 30 йилдан бери шу «раҳмат»ни кутиб дарс бераман, ҳеч кимдан эшитмагандим. Нима учун раҳмат дединг деса, ўқувчи шундай деб жавоб берибди:

«Устоз, шундай бир ёқимли маъруза ўқидингизки, онамнинг алласи ҳам мени бу даражада ухлата олмаса керак.»

Бу кулгили. Лекин аслида, фожиа. Ҳиссиз калом айтгандан кўра, тузсиз таом едирган афзал. Буюк нотиқ Цицерон эътироф этганидай, «Қалб ҳарорати билан суғорилмаган эҳтироссиз нутқ ҳеч нима, нотиқ эса ҳеч кимдир.»

«Нотиқлик санъати академияси» таълим муассасамизда 20 соатлик дастур ишлаб чиқилган. Назарий маълумот ва амалий машғулотнинг уйғунлигида тайёрланган бу дастурни тўлиқ ўтиш, ўзлаштириш керак. Аксарият таълим муасссаларида, малака оширишда бир ёки икки жуфтлик «Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати» дарси қўйилади. Шу билан ўтилди ҳисобига ўтади. Йигирма соатлик дастурни тўла ўтмагунча сиз нотиқлик уммонига кира олмайсиз. Шифокор беморга новакайн ва сепазолинни қўшиб укол қилса эртага битта нимесл ичса индинга яхши бўлиб қолмайдику. Ўрусча айтадиган бўлсак ўн «курс лечение»ни олиши керак. Йўқса, унинг асорати қолади.

Нутқ маданияти ва нотиқлик шунчаки дарс эмас, бу аслида муолажа, касаллик. Бунинг давоси тинимсиз машқ. Унутманг, Ошиқни ишқ тобласа, нотиқни машқ тоблайди. Мен бу ҳақда таълим вазирларининг ҳар бирига мурожаат қилганман. Деярлик ҳали, тизимли иш ва жўяли жавоб ололганим йўқ.

Мамлакатимизда мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ҳамда мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг узлуксиз тизими йўлга қўйиларкан, таълим жараёнида тингловчиларнинг лингвистик компетенцияларини, нотиқлик маҳоратини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қилиш зарур.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Таълим – соҳалар ичида энг долзарби, мактаб – энг муҳими бўлса, ўқитувчилик касблар орасида энг улуғи» бўлар экан, лингвистик компетентлик ва нотиқлик санъати таълим сифатини оширишнинг муҳим мезони бўлиб қолаверади. Чунки таълим таянчи нутқ бўлса, тарбиянинг калити хулқ. Нутқий ва хулқий маданият ватанпарвар, интеллектуал салоҳиятли баркамол авлоднинг мезонидир.

Таълим сифатини янги босқичга кўтариш бўйича Президент томонидан белгилаб берилган 7 та йўналишнинг моҳият-мазмуни ҳам бевосита педагогик маҳорат, нотиқ-педагогларнинг ўз устида ва сўз устида ишлаши, ўз билимини ошириши билан чамбарчас боғлиқ.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
«ТИҚХММИ» Миллий тадқиқот университети профессори, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Нотиқлик санъати академияси» таълим муассасаси раҳбари

Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



ЭНГ МУҲИМ МАСЪУЛИМИЯТИМИЗ — ДАВЛАТИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ КЎМАКДОШ БЎЛИШ

Демократик давлат ўз фуқароларининг ишончи ва қўллаб-қувватлашини қозонмас экан, ҳар қандай ислоҳотларнинг самараси ва таъсирчанлигига барқарор эриша олмайди. Давлат ва унинг фуқаролари ўртасидаги бундай ижобий муносабатларни шакллантиришда фаол ташаббус эгаси, кучли назоратчи ва кузатувчи, энг асосийси, яқин ҳамкор – бу албатта, фуқаролик жамияти институтлари саналади. Шунинг учун ҳам Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётида улар босқичма-босқич ривожлантирилмоқда: қўшимча куч, янги имконият, катта рағбатга эга бўлиб бормоқда. Бу жуда муҳим ва халқчил сиёсат.

Эркин ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Аслида фуқаролик жамияти бу — дахлдорлик, куюнчаклик, таъбир жоиз бўлса, фидойилик дегани. Одамлар ушбу институтлар орқали жамият ва давлат ривожи учун таклифларини илгари суради, ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга ҳукумат эътиборини қаратади, муаммоларни муҳокама қилиб, ечимлар устида биргаликда ишланади. Бу осон кечмайди: кези келганда ўз-ўзини қийнаш, жон койитиш, имкониятлар излашни талаб этади, аммо буларнинг бари ихтиёрий, миннатсиз, жонкуярлик эвазига амалга оширилади.

Шундай бўлса-да, давлат мазкур институтларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш учун уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаши, рағбатлантириши зарур. Шу маънода, “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони барчамиз учун бирдай манфаатли ва долзарб.

Мазкур ҳужжат давлат ва “учинчи сектор” ўртасидаги мулоқот майдонини кенгайтириш, ҳамкорлик кўпригини янада мустаҳкамлаш бўйича янги концептуал вазифалар, институционал ўзгаришлар, иқтисодий-молиявий шарт-шароитлар, рағбатлантириш механизмларини белгилаб берди. Бунда, биринчи навбатда, “инсон қадри”ни улуғлашга қаратилган мақсад ва вазифалар кун тартибига қўйилди.

Масалан, Фармонга кўра, вазирлик ва идораларининг фуқаролик жамияти институтларига ижтимоий буюртма беришда асосий эътибор жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга муросасиз муҳитни шакллантириш, таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилади. Булар ҳар биримиз кундалик ҳаётда тез-тез дуч келадиган, асосий эҳтиёж-у талабларимиз доирасида тўқнашадиган соҳа ва йўналишлар экани кундай равшан.

> **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилгани, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, солиқ инспектори ва ижтимоий ходимдан иборат “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилгани ва бошқа шу каби чора-тадбирлар бугун маҳаллани аҳоли ҳаётини яхшилашда оддий иштирокчи ёки ижрочи эмас, балки қарор қабул қиладиган марказга айлантирмоқда.**

Эндиликда “учинчи сектор” вакиллари давлат ва ҳукуматга ҳозиргидан-да яқин маслакдош, кўмакдош бўлиши учун асосимиз ва ишончимиз янада кўп. Чунки вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳар йили камида бир маротаба соҳавий ва ҳудудий фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказади. Натижада ижтимоий шериклик кучаяди, турли ихтисосликлар бўйича муаммо ва камчиликлар баҳам кўрилади, мақсадлар аниқ-равшан белгилаб олинади.

Бундан буён муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларни танлаб олиш, молиялаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларда холислик, соғлом рақобат, адолат ғалабасига эътирозлар ўринсиз, шубҳалар ҳам йўққа чиқади. Танловлар, уларга аризалар бериш, лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, ғолибларни белгилаш, молиялаштириш, жорий ва якуний мониторинг жараёнлари – барча-барчаси тўлиқ рақамлаштирилиши бу борада очиқлик ва шаффофликни таъминлайди, турли бюрократик тўсиқларга барҳам беради.

Фармонда фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг жамият олдидаги хизматларини муносиб рағбатлантириш масаласига ҳам катта ғамхўрлик ва эътибор билан алоҳида урғу берилган. Жумладан, 2025 йил 1 январдан бошлаб, ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун олинадиган давлат божи миқдори 2 баравара камайтириляпти. Ҳомийлик ташкилотларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларга ажратадиган маблағларнинг солиқ солинмайдиган миқдори 15 млн сўмдан 34 млн сўмга ёки 2 каррага оширилмоқда. Йил якунларида “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони билан тақдирлаш, “Фуқаролик ташаббуси” миллий мукофотини таъсис этиш, “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этиш вазифалари ҳам Янги Ўзбекистонда “учинчи сектор”ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масаласи изчил, қатъий ва ортга қайтмас тус олганини тасдиқлайди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда фаолият юритаётган 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, 2500 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари, жамоат кенгашлари, маслаҳат гуруҳлари, жамоатчилик комиссиялари ва бошқа шу каби минглаб турли жамоат тузилмалари учун албатта ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Шунга яраша фуқаролик жамияти институтлари янада кўп ташаббус кўрсатиши, янги-янги ғояларни ўртага ташлаши — адолатдан бўлади, албатта.

Айниқса, маҳалла институти эндиликда ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштирокини янада кучайтириши, муҳим кўмакдош мақомини юксалтириши бугуннинг талаби ва тақозоси. Чунки кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга одамларни сафарбар қилиш ва уларнинг интилишларини юзага чиқариш имконияти айнан маҳаллаларда кўп ва таъбир жоиз бўлса, кучлироқ ҳам. Сабаби оддий: ҳар биримизнинг ўйларимиз, ташвишларимиз, орзу-ва мақсадларимиз аввало, ўз уйимиз, маҳалламиз остонасидан бошланади, маҳалла кимнинг қандай шароитда яшаётганини, нима муаммо қийнаётганини жуда яхши билади, у ерда одамлар ўз муаммоси билан ўзи ёлғиз қолиб кетмайди. Энг асосийси, ислоҳотларнинг самараси, давлат органларининг фаолиятининг баҳоси ҳам биринчи навбатда шу масканда кечаётган турмуш тарзида яққол кўзга ташланади.

Ана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан илгари амалга оширилган кўплаб вазифалар босқичма-босқич маҳаллаларга ўтказилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилгани, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, солиқ инспектори ва ижтимоий ходимдан иборат “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилгани ва бошқа шу каби чора-тадбирлар бугун маҳаллани аҳоли ҳаётини яхшилашда оддий иштирокчи ёки ижрочи эмас, балки қарор қабул қиладиган марказга айлантирмоқда. Бу билан одамлар маҳалланинг ўзида ҳал бўладиган оддийгина масала билан идорама-идора сарсон бўлмаслигига эри-


шиляпти. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳамма иш маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилинмоқда.

Натижалар эса кўп куттирмаяпти: бугунги кунда 4 минг 901 та маҳалла жиноятчиликдан, 2 минг 930 та маҳалла оилавий ажримдан, 1 минг 795 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди. Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм кам фоизли кредит, 7 триллион сўм субсидия берилди. Қолаверса, 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига деҳқончилик учун ажратиб берилди. “Маҳалла еттилиги” ва банклар ҳамкорлигида 650 минг 561 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди.

Жорий йилда меҳнат миграцияда юрган 418 минг 764 нафар фуқароларни қайтаришга эришилди, уларнинг 210 минг 170 нафари ишга жойлаштирилди. Маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш бўйича ер ва мол-мулк солиғи ҳисобидан 2,6 трлн сўм солиқ тушуми ундирилиб, 9 минг 452 та маҳалла бюджетига 264 млрд сўм даромад тушурилди. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида фуқароларимиз тайинли иш жойига, яхши даромад манбаига эга бўлди. Хорижга иш излаб кетишдек оғир муаммолар бартараф этиляпти. Маҳаллада қоғоз шаклидаги ҳужжатларни расмийлаштиришни бекор қилиш ва “еттилик” томонидан алоҳида юритилаётган тарқоқ платформалар ўрнига “Рақамли маҳалла” ягона электрон платформаси ишга туширилди. Платформани амалиётга самарали жорий қилиш мақсадида “Рақамли маҳалла” маркази фаолияти йўлга қўйилди. Тўғри, гап рақамларда эмас, энг муҳими, давлат органлари, раҳбарлар маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб ўрганиш ишларини олиб боряпти, ҳар бир фуқаро билан индивидуал ишланяпти. Содда қилиб айтганда, одамлар қайсидир давлат органига келиб, муаммосини, дардини айтишини кутиб ўтирадиган пайт эмас, у даврлар ортда қолганини масъул раҳбарлар, маҳалла аҳлининг ҳар бири ўз ҳаёти, кўни-кўшниси мисолида кўриб, гувоҳи бўляпти.

Демоқчиманки, Президентимиз ташаббуси ва сиёсий иродаси билан биз, “учинчи сектор” вакилларининг давлат ва жамият ривожида ўрнимиз тобора мустаҳкамланяпти, нуфузимиз ортяпти. Бунинг эвазига аслида биздан кўп нарса талаб қилинаётгани йўқ: ташаббус кўрсатиш, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш, янгидан-янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, ишончни оқлаш масъулиятига ҳар доим муносиб бўлиш қолди, холос.

Абдулла АСЛОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси ўринбосари



МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришни нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар фуқаролар манфаатларини ифода этиш, ижтимоий, иқтисодий ва маданий муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради ҳамда инновацион ёндашувларни ишлаб чиқади. Хусусан, уларнинг ахборот соҳасидаги фаолияти муҳим аҳамият касб этади, ННТ ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, фуқароларни жамият жараёнларига жалб қилишда асосий роль ўйнайди.

Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган демократик ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, ННТ ҳамда жамоатчилик назорати тизимлари янада фаоллашди.

Ушбу ислоҳотлар давоми сифатида Президентимизнинг 2024 йил 26 августда имзоланган «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ушбу институтларнинг кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамиятини яна бир бор қайд этади. Фармон билан ННТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланди:

Фуқаролик жамияти институтларини фаоллаштириш. Қайд этиш жоизки, фуқаролик жамияти институтларини давлат ва жамоат ишларида, айниқса, ахборот соҳасида фаол иштирокини ошириш муҳим аҳамият касб этади. ННТ ишончли ахборот тарқатиш ва фуқароларни жамоат мулоқотига жалб қилишда ёрдам беради.

Жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш. Давлат аҳоли эҳтиёжларини қондириш, маҳаллий муаммоларни ҳал этиш ва долзарб масалаларни жамоатчилик муҳокамасига қўйишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди.

Ижтимоий ҳамкорлик. Давлат органлари ва ННТ ўртасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш муваффақиятли ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратади. Бу ҳамкорлик жамоатчилик назоратини институтлаштириш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш. Ахборот соҳаси ва илғор тажрибани алмашиш масалаларида, айниқса, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Фармон билан ННТ фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қуйидаги чоралар, жумладан, солиқ юкини камайтириш ва моддий-техника базасини қўллаб-қувватлаш чоралари киритилди:

яъни 2024 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябргача меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари асосида жалб қилинган мутахассисларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олган даромадларидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда ННТ, ОАВ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича тўланадиган ижтимоий солиқлар бўйича ставкаларни 50%га камайтириш.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар учун хайрия эҳсонларининг солиқдан озод қилинган миқдорини 15 миллион сўмдан БҲМнинг юз баробаригача ошириш.

2025 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, аёллар ва болалар жамоат бирлашмаларини рўйхатга олиш учун давлат божини икки баробар камайтириш.

Фармон фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва унинг эътироф этилишига қаратилган муҳим ташаббусларни ҳам ўз ичига олади:

Унга кўра ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида «Фуқаролик жамияти ҳафталиги» ўтказилиши, уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган турли тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Шундай ташаббуслардан бири ННТнинг кўзга кўринган вакилларини «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони билан тақдирлашдир.

«Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофотининг таъсис этилиши фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ҳамда фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар учун муҳим рағбат бўлади.

Ўз ўрнида ННТ фаолиятини ёритишда журналистлар учун «Олтин қалам» халқаро танловида номинация жорий этилиши эса ННТ фаолиятини ОАВ орқали оммалаштириш ва уларнинг миллий ва халқаро даражадаги фаолияти ҳақида хабардорликни ошириш имконини беради.

Фармонда келтирилган ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ННТнинг ахборот соҳаси ва жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш учун мустаҳкам асос яратади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий жараёнларга қўшган ҳиссасини тан олиш демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ва фаолроқ ҳамда огоҳ жамият яратишга ёрдам беради.

Елена МОХОВА,
Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлар ассоциацияси ижрочи директори



Чаласаводлик эпидемияси

(Боши 1-саҳифада)

Бу ҳолат билимли эркакларнинг юқори маошберувчи хусусий ёки ихтисослаштирилган мактабга кетиб қолишига сабабчи бўлди. Шундай мактаблар борки, таълим-тарбия ишлари 70 ёки 85 фоиз аёллар қўлида. Швецияда таълим тизимида ишлайдиган аёллар сони 6-7 фоиздан ошса, миллий фожиа ҳисоблайди ва бу ҳодиса парламентда муҳокама қилинаркан. Ўтган йили Ўзбекистонда таълим тизимида 47 фоиз аёл муаллималар ишлаши аниқ бўлганди. Негадир бу ҳолатни миллий фожиа ҳисобламаймиз. Чунки биз «гендер» тенглик тарафдоримиз.

Чекка туманларда шундай мактабларни кўрдимки, досканинг ўртаси ўйиқ, парталар «яроқсиз», лабораториялар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, спорт зали ўргимчак уясию, илма-тешик полга айланган. Кутубхона тор ва қоронғи хонада жойлаштирилган, синф хонаси етишмаслиги боис, битта синфга қирқдан зиёд ўқувчилар жойлаштирилган. Намунали мактаблар борлигини инкор этмайман.

Шоир билан ёзувчи ёки адабиёт билан нашриётнинг фарқига бормайдиган, китоб-газета ўқимайдиган, томорқасидаги даромаддан бошқа ташвиши йўқ, шахсияти ғариб ўқитувчиларни кўриб, қанчалар изтиробга тушганман. Уларни бутунлай қоралаб бўлмайди. Чунки, киракаш ёки даллол даражасида фикрлайдиган кўплаб одамларни жаҳон чемпиони бўлиб келган ёки фан олимпиадаси ғолиби бўлган маҳалладош болаларнинг ютуғи қизиқтирмайди. Уларни бозордаги нарх-наво ёки сотиб олинган машинаю дала-ҳовлиси бор кимсалар қизиқтиради.

Маълум бир авом одамлар зиёлилар ортидан эргашмайди. Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, ўқитувчилар машина миниш, кошона қуриш, тўй томошаларни кундалик ҳаёт деб билувчи оломон ортидан эргашишга мажбур бўлдилар. Ўз эътиқодига содиқ қолган чинакам зиёлилар бор, аммо, уларни кўпчилик маънавияти қашшоқ кимсалар менсимайдилар. Бунга жамият айбдор деб биламан. Биз зиёлиларни ўрма қамчи билан савалайвериб, шундай аҳволга олиб келдик. Шунинг учун ҳам бизда эркак ўқитувчилар японлар каби «император» ёки аёллар «қиролича» мақомида эмас. Ҳақ гапни айтган аёл ўқитувчини қаматган, жамоатчилик эътиборидан қўрқиб чиқариб юборилган ва кимларнингдир калтаклашига йўл қўйиб берган юқори лавозимли раҳбарга «таълим ҳомийси» кўкрак нишонини беришдан орият қилмадилар. Орият қилмайдилар ҳам.

Бойлар, ота-оналар мактабларга ҳомийлик қилиш ўрнига ҳажу умра, дабдабали тўйлар, ўн минг долларлик отарчини олиб келишга ружу қўйдилар. Икки-уч соатлик ҳою ҳавас учун шунча маблағни сарфлашнинг нима кераги бор? Хорижлик кишиларга ўхшаб ихтирочилик, фан ва техника янгиликларини яратишга рағбат билдирилмайди. Бу муҳим вазифалар ўрнига айрим болаларимизни хорижга мардикор қилиб жўнатишни афзал кўрадилар. Жадидчилар раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий бундан юз йил олдин шундай фикрни ёзиб қолдирган: «Бошқа миллатларнинг бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорулфунунлар соладурлар, фақир ва етимларни ўқумоғи учун вақф «истепендия»лар таъйин қилур. Бошқа миллат милўнерлари мактаби ила истепендияси-ла, идора қиладургон газет ва мажалласи-ла, бино қилган доруложизин (аёллар университети), барпо қилган жамъияти хайрияси-ла фахр қилурлар. Бизникилар жуфти оти-ла, аробаси-ла, тўйи ва...-ла фахр этар. Ҳатто ўз ўғилларини ўқутмайдургон бойлар бордур. Бу кетишни охири ямондур, ўқумоқ, ўқутмоқ керакдур. Болаларга оталардан илми диний бува илми замоний мерос қолсун.»

Албатта, чаласавод ўзбек шифокори саратон касалини даволаш учун билимли, иқтидорли, технологияси бор яҳудий ёки инглизга ялинади. Нефтни қазиб оладиган технология яратолмаган ўзбек хорижлик ишбилармонга югуради. Эшагидан тушови қиммат ҳар қандай шартномага рози бўлишади. Шунинг учун ҳам билимсиз одам билимли кишига қул бўлиши ҳаётий ҳақиқатга айланди. Биз олибсотар, давлат маблағини ўмарувчи, халқ қонини сўрувчи баъзи қаллоб бизнесменларга қулайлик яратиб берар эканмиз, чинакам ватансевар зиёлилар, олимларни йўқотамиз. Аслида хорижда бизнесменлар ақлли шахслар ва уларнинг самара берувчи лойиҳаларидан фойдаланади, маблағни аямайдилар. Биз таълим вазирлигига аллақандай хонандаю, ишбилармонни маслаҳатчи қилиб қўйганимиздан кейин аҳвол ўзгаради дейсизми? Асло, ўзгармайди.

Қуйида она тили ва адабиёт фанининг ўқитилиши ҳақида фикримни билдирмоқчиман. Мактаб таълимидаги юқори малакали, тоифали, устама олувчи баъзи зиёлиларда шундай қоида шаклланган ва қатъий амал қилинади. Дарслик доирасидан четга чиқмаслик ва ўқувчидан қўшимча фикр айтиш ёки манбаларни ўқиш ҳуқуқини маън этиш. Сабаби, олий таълимга ўтиш тести дарслик асосида тузилганини яхши билади. Фан олимпиадаси тести ҳам шундай тузилади. Уларга юқори натижа керак. Она тили ва адабиёт дарслиги ўқишга кириш учунгина кераклиги аллақачон аниқ бўлган. Бунда ўқувчи қалбини тарбиялаш, олижаноб туйғуларни камол топтириш кўпинча иккинчи даражали иш бўлиб қолаётгани ҳақиқат.

Ҳатто, тестда қандай саволлар бўлиши мумкинлигини етмиш фоиз чамалай олади. Бу билан юқори малакали, номдор ва чўнтаги пул кўраётган адабиётчиларни назарда тутмоқдаман. Улар адабиётдан тест саволлари кўпроқ халқ оғзаки ижоди намунаси достонлар, жадидлар ва шеърий санъатдан тушаётгани иложи борича ҳар бир дарсликнинг мавзусини ёд олишини талаб қилишади. Она тилидан эса синтаксис ва морфологияни ўргатишади. Замонавий адабиётдан саволлар ниҳоятда кам бўлади. Уларнинг тест билан ишлаш жараёни шундай. Кейин бадиий асарни кутубхонадан олиб, тўлиқ ўқишмайди, балки дарсликдаги парчалар билан танишади. Аммо, ҳамма ўқитувчилар ҳам бундай иқтидорга эга эмас, бунга ақли етмаслиги мумкин.

Ўртамиёна ёки тасодифий, яъни контракт тўлови асосида ўқиб келган адабиётчиларга фарқи йўқ. Мавзу сўралади ва баҳосини қўяди ёки бир-икки тадбир уюштиради, тамом.

Шу ўринда кўпчиликка номаълум бўлган, бамисоли ойнинг қоронғи томонини айтмоқчи эдим. Ўқувчилар ўзларига қандай асарлар ёқишини ва севиб мутолаа этишини адабиёт муаллими яхши илғайди. Кузатишларимдан шуни айтмоқчиманки, элга таниқли шоир ёзувчилар Одил Ёқубовнинг «Яхшилик», «Музқаймоқ» ҳикояси, Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», Нормурод Норқобиловнинг «Оқ бўйин» асари, Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достони, «Ўзбегим», Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон», Муҳаммад Юсуфнинг «Улуғимсан, ватаним» қасидаси, шунингдек, Расул Ҳамзатовнинг шеърлари ўқувчилар орасида оммалашиб кетган.

Мафкура қолипига тушган ёки саёз асарлар ҳам мавжуд. Бу билан ўқувчилар дидини ўтмаслаштиришга чинакам адабиёт ўқитувчисининг ҳам виждони қийналади. Яхши асарни ўқувчи адабиёт дарслигидан қидириб топиб ўқийди. Ҳатто, ўша мавзу қачон ўтилишини интиқлик билан кутади. Бу менинг шахсий фикрим. Адибу шоирларимиз шуни унутмасинларки, ўқувчилар қалбига кириб бориш, уларга манзур бўлиш, ҳурматини қозониш осон тирикчилик эмас. Бу бамисоли ютуқли ўйинга ўхшайди. Ютгандан ютқизган кўп.

Албатта, кейинги беш йил давомида дарсликлар янгиланмоқда. Ўқувчиларнинг қизиқиши, дидига мос, фикр мулоҳазага ундовчи асарлар киритилмоқда. Она тили дарсликларидаги қоидапарастлик ва кўр-кўрона машқларни бажариш каби қусурлар бартараф этилди. Турлича фанларга оид ва ҳаёт билан боғланган матнлар киритилди. Энди адабиёт ўқитувчисининг педагогик маҳорати, китобхонлиги, маънавий даражаси жиддий муаммога айланган. Баъзи ўқитувчиларнинг бадиий асар ўқимаслиги, адабиёт оламидаги янгиликлардан бехабарлиги ҳар қандай кишини изтиробга солади.

PISA халқаро ташкилот тадқиқотига кўра, 15 ёшли ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлиги бўйича Ўзбекистон дунё миқёсида 80 ўринда туриши қайд этилди. Бунда матнни таҳлил қила олиш, фикр билдириш ва бошқа муҳим жиҳатлар қамраб олинган. Бу яхши натижа эмас. Шунинг учун ҳам янги тузилаётган она тили ва адабиёт дарсликларимиз ана шу мезонга мослаб яратилмоқда. Камчиликлар бўлиши табиий ҳолдир. Афсуски, баъзи ўқувчиларимизда ёзма саводхонлик, фанлараро билимни ифода эта олиш маҳорати етишмайди. Буни тан олиш керак. Янги дарслик натижаси беш-ўн йилдан кейин аниқ бўлади.

«Мен илм эгалари бўлмиш математиклар олдида бош эгаман, аммо кўнгил эгалари бўлмиш адабиётчилар олдида тиз чўкаман» деган эди Альберт Эйнштейн.

Илму толибларга олижаноб туйғуларни инъом этаётган адабиёт муаллимлари Ватан ва халқ олдидаги улкан масъулиятни чуқур ҳис қилиб, яшамоғи ва меҳнат қилмоғи даркор.

Сафарали МАМИРОВ.

ТАМАКИНИНГ “ТУТУНИ” ЧИҚДИ

Ҳар бир ишда тартиб-қоидага амал қилиш керак. Акс ҳолда жавобгарлик белгиланган. Пойтахтимизда яшовчи Ю.У исмли аёл ноқонуний даромад топиш мақсадида хонадонига катта миқдорда тамаки маҳсулотларини олиб келганида “тутини” чиққан.

Гап шундаки, “Тошкент-АЭРО” ИБК Контрабандага қарши курашиш шўъбаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижда ишлаб чиқарилган, акциз маркалари билан маркаланмаган тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш йўналишида олинган тезкор маълумотларга асосан Тошкент шаҳар, Миробод тумани ҳудудида тезкор тадбир ўтказилган.

Тезкор тадбир давомида, Миробод тумани, Парвона 2-тор кўчасидаги уйларнинг бирига “ESPERO” русумли автотранспорт воситаси кириб, номаълум юкларни туширган. Бир қанча вақтдан сўнг, ушбу хонадондан қайтиб чиқаётган вақтда тадбир иштирокчилари томонидан тўхтатиб қолинган.

Ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ушбу хонадон холислар ва уй эгаси Ю.У. иштирокида кўздан кечирилган. Хонадон ҳовлисида рангсиз ва қора рангли полиэтилен пакетларга жойланган, бирор бир ҳужжати ва акциз маркаси бўлмаган 9.950 қути “Milano London”, 1.000 қути “Madrid”, 80 қути “Parliament Aqua Blue”, 60 қути “Parliament Silver Blue”, 20 қути “Parliament Platinum” ёзувли тамаки маҳсулотлари борлига ҳақида ҳужжат расмийлаштирилган. Шунингдек, фуқаро Ю.У.га тегишли “Cobalt” русумли автотранспорт воситаси юк хонасида 2.500 қути “ESSE CHANGE” ёзувли тамаки маҳсулотлари борлиги аниқланган. Ю.У. ушбу тамаки маҳсулотларини Қўқон шаҳридаги номаълум шахслар билан жиноий тил бириктириб, муомалага киритаёганлиги маълум бўлган.

Ўтказилган тезкор тадбирда 13.610 қути “Milano London”, “Madrid”, “Parliament” ва “ESSE CHANGE” ёзувли тамаки маҳсулотлари тегишли тартибда расмийлаштирилиб, вақтинча сақловга топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Чилонзор туман бўлимининг маълумотида, ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида олинган тамаки маҳсулотларининг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилмаганлиги сабабли, савдо учун яроқсиз эканлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарорига кўра, бу турдаги маҳсулотлар мажбурий тарзда йўқ қилиниши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Судланувчи Ю.У. суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор билдириб, оқибатини ўйламай нотўғри иш қилганлигини тан олди. Қилган ишидан пушаймонлигини ва суддан кечирим сўраб, келажакда бундай холатларга йўл қўймаслигини ва унга енгиллик беришни сўраб, кўрсатма бериб ўтди.

Суднинг ҳукми билан Ю.У. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 1861-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Қонунга зид равишда олиб келинган тамаки маҳсулотларини сотиш мақсадида қинғир ишга қўл урган аёл бугун қилган ишидан афсусда.

Нилуфар ДАДАБАЕВА,
Жиноят ишлари бўйича
Миробод туман судининг судьяси.

ФИРИБГАР ҲАМКАСБ



Собиржон (исми ўзгартирилган) 2021 йил июнь ойидан бери Андижон темир йўл масофасида йўл созловчи бўлиб ишга қабул қилинди, иш фаолияти давомида ҳамкасбларига қўлидан келганича ёрдам бериб келди, ҳамкасблари ёрдам сўраса йўқ демади.

2022 йил март ойларида ҳамкасби Икром (исми ўзгартирилган) ундан ҳозирда анча авж олган мобиль илова орқали банклардан онлайн кредит олиш учун ёрдам бера олиш-олмаслигини сўрайди, Собиржон “лаббай” деб ёрдамга отилади ва унинг “Redmi 11” русумли телефон аппаратини қўлига олиб мобиль илова орқали тегишли банкдан онлайн тарзда 10 миллион сўм кредит расмийлаштириб беради, Икром бу пулларни пластик картадан икки йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаши шарт эди ва банк томонидан бу пуллар автоматик равишда ечиб олинарди. Ўшанда Собиржон хамкасбининг мобиль иловасига кириш паролини ҳам ўрнатиб бериб, келгусида ўзининг асл мақсадини ичида тугиб қўйган эди.

2023 йил сентябрь ойида Собиржонга пул зарур бўлиб қолади, “пулни қаердан топсам экан?” – деб ўйлаб қолади, бирдан ҳамкасби Икромнинг уяли телефонига банкнинг мобиль иловасини ўрнатиб берганлиги эсига тушиб қолади. Шунда у ҳамкасбига билдирмасдан, унинг телефонидаги банк мобиль иловаси орқали кредит олиб, ўзига ўтказиб олишни, кейинчалик пулларни ўзи банкка тўлаб қўйишни режалаштиради.

Шу мақсадда ҳамкасби Икром ишга келганда, ундан танишлари билан гаплашиб олиш учун телефонини бериб туришини сўрайди, Собиржон телефонни олганидан сўнг ҳамкасбининг ёнидан узоқроққа кетиб, унга билдирмасдан яширин равишда, телефонда банк мобиль иловасига кирмоқчи бўлади, аммо ўзи ўрнатган кириш паролини нотўғри эканлиги тўғрисидаги хабарни олади. Ҳар ишни йўлини топган Собиржон бу сафар ҳам ишни амаллайди, ўрнатилган илованинг паролини янгилаб, “2222” ёзувли паролни ўрнатади ва шу парол билан иловага киради. Иловага кирганидан кейин банкдан Икромнинг номига 14 миллион 244 минг сўм миқдорида қўшимча кредит расмийлаштиради ва ҳамкасбининг иловадаги ҳисоб рақамига тушириб олинишига эришади.

Собиржон шу вақтда ҳамкасби Икромнинг ҳисоб рақамига тушган пулларни ўтказиб олиш мақсадида, синфдошига телефон қилиб, унга пластик картасига Россия Федерациясидан танишлари пул жўнатмоқчи эканлигини, ўзининг пластик картасига пул туширса банк томонидан кредитлари учун ечиб олинаётганлигини айтиб, синфдошини розилигини олганидан сўнг унинг пластик картасига 14 миллион 244 минг сўм миқдордаги пул маблағини ўтказиб олади. Мақсадига эришган Собиржон дарҳол уяли телефонни Икромга қайтариб беради, қилган ишларини унга билдирмайди. Шу куни Собиржон ишдан чиқиб, синфдошидан пластик картасини олади ва пулларни барчасини ечиб, ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Шундан сўнг, Икром пластик картасига тушган ойлик иш ҳаққидан банк кредити учун ҳар доимгидан кўпроқ пул ечиб олинганлигидан ҳайрон бўлиб, банкка мурожаат қилиб, нима сабабдан бунчалик кўп пул ушлаб қолинаётганлигини сўрайди, шунда у ўзининг мобиль иловаси орқали 14 миллион 244 минг сўм миқдордаги қўшимча кредит расмийлаштирилганлиги ва бу пулларн бошқа пластик картасига ўтказиб юборилганлиги тўғрисида маълумот олади. Икром нима қилишини билмасдан Ички ишлар органларига бу ҳақда хабар беради, олиб борилган текширув ҳаракатлари натижасида Собиржоннинг содир этган қилмиши фош этилади.

Собиржон томонидан ўз ҳамкасбининг пул маблағини фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилганлиги ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “г” банди билан айб эълон қилинади ва эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш қўлланилади.

Фуқароларимиздан банк пластик карталардан фойдаланаётганларида бошқа шахсларга банк пластик карталарининг серия рақамлари ва кодларини айтмасликларини, мобиль иловалардан бегона шахслар фойдаланишини олдини олиш чораларини кўришларини сўраб қоламиз.

Шерзод ШОДМОНОВ,
ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти Тергов бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

Эълон

Хоразм вилояти «Муҳаммад Охун бобо» номидаги жамоат бирлашмаси хайрия қутисига 2024 йил 18 сентябрь куни фуқаролардан 1,400,000 (бир миллион тўрт юз минг) сўм тушганини маълум қиламиз.

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1010
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.


ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

САМИМИЯТГА ЙЎҒРИЛГАН ХОТИРАЛАР

Одамзодга хос туйғуларнинг энг қадрлиси самимиятдир. Чунки самимият – кўнгилнинг поклиги, ниятнинг эзгулиги нишонаси. Шунинг учун ҳам бундай туйғу орқали ифодаланган фикр қалбга тезроқ етиб боради, таъсир кучи баландроқ бўлади. Миллатнинг улуғларини эслаганда, улар ҳақида хотиралар битилганда, айниқса, муаллиф зиммасида катта масъулият туради: биринчидан, ўзидан тўқимаслик, ҳаққоний ёзиш, иккинчидан, самимият – бирор ўринда ғараз аралашмаслиги. Сайидолим Ҳайдаровнинг “Уч чинор соясида” номли хотиралар китоби ана шу мезонлар асосида холис ва самимий туйғулар ила ёзилган.



Китобда замонамизнинг уч улуғ ижодкори – Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва Саид Аҳмад билан муаллифнинг ўзаро мулоқотлари, ҳаёт ва ижод борасида улардан олган сабоқлари таъсирли ёритилган. Ёзувчилар уюшмасида бирга ишлагани, муносабатлари яқинлиги ва кўплаб сафарларда ҳамроҳ бўлгани боис Сайидолим Ҳайдаров китобининг катта қисми устоз Абдулла Орипов ҳақидаги хотираларга ажратилган. Улар буюк шоир ҳақидаги бошқа хотираларни такрорламаслиги, равон услуби ва самимияти билан алоҳида ажралиб туради.

Ўша кезлари наинки Ўзбекистонда, балки собиқ иттифоқ миқёсида маълум ва машҳур бўлган Абдулла Ориповнинг халқ ғами билан яшай олган улуғ шахс ва юксак салоҳиятли ижодкор экани ҳаётий мисоллар орқали кўрсатилган. Жумладан, атоқли ёзувчи Ўлмас Умарбеков бетоб бўлиб, оғир аҳволда ётганда, Абдулла Орипов биринчи Президент Ислом Каримовга мурожаат қилгани, у билан бирга ТошМИга бориб, адибнинг кўнглини тоғдек кўтаргани ва даволаш учун Москвага юборилишига эришгани, бундан ташқари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раиси билан шахсан гаплашиб, бутун бошли бир маҳалла аҳолисини иш билан таъминлашга қўшган ҳиссаси қизиқарли ва ишонарли ёритилган.

“Дил нима, ҳувайдо-чи?” сарлавҳали хотира-мақолада Абдулла Орипов ва Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўртасидаги ўзаро яқин дўстлик, уларнинг бир-бирини нечоғлик қадрлагани билан боғлиқ таъсирли воқеа ҳикоя қилинган. Улуғ шоир Шайх ҳузурида ноўрин гап қилган зоҳирпараст бир дилозорга: “Дил нима-ю, ҳувайдо нима?” – дея савол беради. У довдираб, саволга жўяли жавоб бера олмагач: “Билмасангиз, билиб олинг: инсондаги энг пок нарса – бу дилдир. Ана шу дилнинг ичида эса чигитдан ҳам минг карра кичикроқ ҳувайдо бўлади. Тўғри, “ҳувайдо”нинг луғавий маъноси пок, равшан деганидир. Лекин ўша пок нарса ҳаммага ҳам, айниқса, сиз каби нопок кимсаларга кўринмайди. Афсуски, сизда на дил бор, на ҳувайдо!” – деган теран фикрлари билан уни мот қилади.

Қайси замонда, қандай тарихий шароитда яшамасин, буюк сўз санъаткорларини боғловчи маънавий-руҳий ришталар бўлади. Чинакам шоир ёки адиб фитратан ватанпарвар, халқпарвар келади. Ўз нафсидан бошқасини ўйламайдиганлар эса нари борса булҳавас бўлиши мумкин, холос. Абдулла Орипов ижодда ҳам, ҳаётда ҳам она Ватани ва халқининг ҳақиқий фидойиси бўлганини Сайидолим Ҳайдаров китобида ҳикоя қилинган ғаройиб бир воқеа ҳам тасдиқлайди. Бир кеча муаллиф улуғ шоир таклифи билан унинг хонадонида тунайди. Ярим кечагача гаплашиб ўтиргач, шоирнинг илҳоми келиб шеър тўқий бошлайди ва Сайидолим ака мирзолик қилиб, шеърни қоғозга туширади. Чарчаганидан ухлаб қолган меҳмон саҳарга яқин Абдулла аканинг овозидан уйғониб кетади.



– Осмон тўла юлдузлар, – деб эслайди у ўша тунни. – Атроф одамни таниш даражасида ғира-шира ёруғ, лекин ҳовлининг кунботар тарафидаги икки туп чинор дарахти атрофи хиёл қоронғу эди. Дарахтлардаги сон-саноқсиз қушлар чуғуллаб, қулоқни қоматга келтирарди. Абдулла ака уларга қарата: “Жим бўлинглар, Қодирий қани, Усмон Носир, Чўлпон қани?” – дея хитоб қиларди. Мен қушшунос эмасман, лекин ўша дамда уларнинг чуғур-чуғури худди қуш тилида шеър ўқиётгандек, бошқалари уни тинглаётгандек туюлди. Қушларнинг чуғурлаши тиниши билан Абдулла ака шеър ўқишни бошларди. Бу қандай мулоқот, қандай шеърий суҳбатки, англаб етмасдим. Аллапайтгача ўзимга келолмадим. Тушимми, ўнгимми, булар хобимда содир бўляптими, деган ўйимга ечим йўқ эди.

Шундан кейин эрталаб улуғ шоир билан Қибрай мол бозорига боришгани, бозор тарқаб кетгани учун устоз Абдулла Орипов энг катта бўрдоқи қўйни олган одамни излаб топиб, ўша қўйни сотиб олиши, қурбонлик қилиб, мадраса толибларига тарқатиши, Қуръон тиловат қилдириб, пайғамбарлар, азиз авлиёлар ва марҳум шоир-у адиблар руҳига бағишлаши ҳақидаги хотиралар Абдулла Ориповнинг руҳий олами ҳақидаги мавжуд тасаввурни бойитиши жиҳатидан қимматлидир.

Муаллифнинг Абдулла Орипов билан Хўжандга сафари, бу шаҳар аҳолисининг буюк шоирга алоҳида эҳтироми билан боғлиқ хотиралари ҳам чуқур ҳаётий асосга эгалиги ҳамда қизиқарли эканига кўра ўқувчида ёрқин таассурот уйғотади. Шоирнинг юксак маданияти, халқ фақат унинг шеърини талаб қилганда ҳам камтаринлик билан хўжандлик ижодкорларга навбат бериши, одамларнинг эҳтиромини юксак даражада қадрлаши тўғрисидаги воқеалар изҳорнинг самимийлиги ва ҳаққонийлиги билан эътиборни тортади.

Хулоса қилиб айтганда, Сайидолим Ҳайдаров – кўнгли самимият нуридан мунаввар инсон. Самимият ёғдуси, эссе ёзадими ёки шеър битадими, асарларида ҳам яққол намоён бўлгани боис ўқувчига завқ-шавқ улашади, қалбида пок ва эзгу ниятлар уйғотади. Хотираларининг ҳар бир сатрида устозларга эҳтиром, меҳр-оқибатни асраш, юксак орзу-идеалларга ошнолик туйғулари тажассам топган ижодкорга танисоғлик, янгидан-янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

Нурбой ЖАББОРОВ

“КИШАН”

(Боши 1-саҳифада)



Китоб қаҳрамони – Олтибой оқсоқол. Унинг олти ўғли бор. Бештаси биринчи кампири Жупор момодан, кенжаси Бойбўри эса биринчи аёли вафотидан кейин турмуш қурган Улжон момодан.

Асар нега “Кишан” деб номланади? Ўқувчига савол туғилиши табиий. Кишан деб номланишида рамзийлик бор.

“Олтибой оқсоқол кенжатойи – кўрпақоқдиси Бойбўридан сир яширмайди. Кунларнинг бирида ота-ўғил Оқдарага йўл олишди. Уловларини боғлаб, даранинг кунчиқар томонидаги уч-тўрт туп туғдона ўсган жойга боришади. Атрофга олазарак боқиб, соқолини тутамлаб, кўзларини қисиб ўйга толган Олтибой ҳожининг ияги билан им қоққанидан сўнг, Бойбўри отаси кўрсатган жойни теша билан ковлашга тушади. Теша нимагадир урилди.

“Олтибой оқсоқол “иҳ!..” деди беихтиёр. Бойбўри тешани бир четга қўйиб қўли билан тирмалашга тушди. Йўқ, шағалли тупроқни бармоқ билан кўчириш хийла мушкул экан. У яна теша учи билан ерни секин кўчира бошлади.

Мана, ўша кишан!”

Бўрибой жилмайди. Отаси эса олтмиш уч йил наридаги тилсиз гувоҳга тикилиб қолди. “...Қум-тупроққа қоришган, туси билинмаётган икки қулоқли темирни кўрган Олтибой оқсоқол ортга тисланди. Чол бу тисарилиши билан нимадандир ўзини ҳимоя қилгандек, ниманидир инкор қилаётгандек эди”.

Бойбўри ки… …тозалади. Сойдаги сув билан обдон ювди. Даструмоли билан артди.

“... Кўм! Улижон, тез кўм буни!.. – Олтибой ҳожи ўзига ярашмаган оҳангда – қандайдир ҳадик ва шошилиш билан тез-тез гапирди. Отанинг қатъий ва кескин амрига ўрганиб қолган Бойбўри бу гал қулоқларига ишонмай серрайиб турди. Бойбўри чўрткесар отанинг бундай руҳсиз ва палағда гапирганини биринчи бор эшитиши. Камдан-кам муросаю мадорага борадиган чол, иттифоқо, ривояти кўр емаган ровийдек маҳзун бўлиб қолди.

– Нега қараб турибсан? Жойига қайтариб кўм дедим!..”

Олтибой оқсоқол ўзини безовта қилаётган, виждонини қийнаётган кишанни кўрмаслик учун, нафақат ўзи, фарзандлару набиралари, ҳатто бегоналари ҳам кўрмаслиги учун узоқ дарада кўмган.

...Олтибой миршабнинг чекига қийин ва мураккаб вазифа юкланди. Мулла Мусонинг шўрога қарши ташвиқот олиб бораётгани ҳақидаги чақувга асосан уни тутиб келиш миршаббоши томонидан Олтибойга юкланади.

Буйруқ берар экан миршаббоши: “Ҳар жойнинг тулкисини ўша жойнинг тозиси билан овлайдилар” дея кулади.

Олтибой Мулла Мусони тутиб келишга жўнайди. Мулла Мусонинг бамайлихотирлигидан ҳайрон бўлган Олтибой кўп ўтмай қувонади. Кимсан нафақат Қўшбулоқда, балки Асқартоғдаям довруқ қозонган қорини банди қилганидан ғурурланади.

Қори йўл-йўлакай ибратли гаплар айтади. Оқдарага яқинлашганда мулланинг қадамлари секинлашади. Дарага ишора қилиб, манзилга етишганини айтади.

“Мулла отлиқ томон икки қадам ташлади. Олтибой наганни қўлга олди:

– Қимирламанг, отаман!

Мулла Мусо отнинг жиловини қўшқўллаб ушлади:

– Энди мени қўйиб юбор ё шу ерда отиб ташла!

– Йўқ, Буйруқ бор. Сизни Асқартоққа етказишим керак.

– Биламан. Сен ҳам Худонинг бандаси. Хайрингни берсин. Қўйиб юбор. Ўлигим Сибирда қолмасин.

– Гапни кўпайтирманг. Олдимга тушинг!

Муллага миршаб пўписаси таъсир этмади. Чўккалаб илтижо қилишга тушди... Мулла тўхтовсиз ялинаверганидан Олтибой миршаб ўзини йўқотиб қўйди. Ғафлатда қолди. Кейин ўйлади: “Бу мулла ўғирлик қилмаган, бировни ўлдирмаган, бегона пошкастага кўз олайтирмаган бўлса... Айби – Қуръон ўқигани, Саводи борлиги!..”

Олтибой миршаб мулла Мусога қочиши кераклигини айтади. Ва, кишанни ечиб, муллага беради, кишанни кўмдиради.

Муллани қочирган Олтибой миршаб қийноққа олинади. Миршаббоши қамалиши керак бўлган Олтибойга айбини ювиш учун охирги имконни беради. Энди қамоқдан қочган муллани тутиб келишга чоғланади. Кўпни кўрган мулла Олтибойга тилла инъом этади. Олтибой тилладан миршаббошига ҳам илинади. Бу иш “бости-бости” бўлади.

Олтибой ўзи эътиқодли бўлган шўро тузумининг кун келиб инқирозга учрашини, шўровий ғоялар, ваъдалар сароб эканлигини тасаввур ҳам қила олмайди. Авлодлари бўлмиш фарзандлари, набиралари турли феъл-атворли, қисматли кишилар.

Асар сўнггида Олтибой оқсоқолнинг мазаси қочгани тасвирланади. Умрининг сўнгги лаҳзаларида қараса, чеварси икки қулоқли ялтироқ темирни бошига силкитади, гоҳ қўлига тақади, ёки ерга уриб завқланади. Бемор, мажолсиз Олтибой ҳожи ётган жойидан зўрға интилиб чеварасининг қўлидан кишанни олмоқчи бўлади. Гўдак бобосидан овунчоғини қизғаниб кишанни ўзига тортади. Кишандан қутулолмаган Оқсоқолнинг жони узилади.

Ёзувчи Олим Тошбоевнинг “Кишан” романида қиёфасини даврга мос ўзгартирадиган, тез-тез турланадиган, ўз элига яхшилик қилишдан кўра ёмонликни раво кўрадиган меҳр-оқибатсиз кимсаларнинг асл башараси очилган. Фикр, тафаккур кишанланиши халқнинг, юртнинг ҳар жиҳатдан ривожланишига, юксалишига халақит беради. Ақл, заковат кишанланса миллат бир жойда депсинишдан нарига ўтолмайди.

Маънавият кишанланса отани боладан, акани укадан узоқлаштириш, оқни қора, қорани оқ қилиб кўрсатиш мумкинлиги романда бадиий бўёқлар орқали ўз ифодасини топган.

Абдулла АЙИЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.